



ШАЙХЗОДАНИНГ НОДИР ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Razakov Bekzod Ismoil o'g'li

Аннотация: Ўзининг поэтик руҳга йўғрилган теран шеърлари, трагик драмалари, чуқур ўрганилган илмий ишлари ва педагогик фаолияти билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган серкирра ижодкорлардан бири Мақсуд Шайхзодадир. Мақсуд Шайхзода қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейининг “Ўзбекистон ёзувчилари архиви” фондида сақланади. Ушбу архив бой ва қимматли қўлёзмалар, ҳужжатлар, фотолар, китоблардан иборат хазинадир.

Калит сўзлар: қўлёзмалар, матн, драматургия, ижодкор лабораторияси.

Ўзининг поэтик руҳга йўғрилган теран шеърлари, трагик драмалари, чуқур ўрганилган илмий ишлари ва педагогик фаолияти билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган серкирра ижодкорлардан бири Мақсуд

Шайхзодадир. Шайхзода озар фарзанди бўлса-да, турли синовларга тўла умрини ўзбек адабиёти, педагогикаси ва илм-фани учун бағишлади, сўз санъатимизни заковатга чайилган теран ва самимий ижоди билан бойитди. Шайхзода ижодий лабораториясини татқиқ қилар эканмиз бунга яна бир бор амин бўламиз. Мақсуд Шайхзода қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейининг “Ўзбекистон ёзувчилари архиви” фондида сақланади. Ушбу архив бой ва қимматли қўлёзмалар, ҳужжатлар, фотолар, китоблардан иборат хазинадир. Шайхзода қўлёзмалари шоирнинг ўлиmidан тўрт йил ўтиб, 1972 йилда хотини Сакина хоним розилиги билан фондга олинган. Бу борада ўша пайт музейга раҳбарлик қилган таниқли профессор Ҳамид Сулоймонов ташаббусини ёд этиш алоҳида ўринлидир. Айнан шу олим сай-ҳаракатлари билан бугун кунгача шоир архиви сақланиб қолмоқда ва бу қимматли материаллар тадқиқотчилар учун Шайхзода ижодий лабораторияси, асарлар устида ишлаш методи ҳақида хулослар чиқариш имконини яратмоқда.

Шайхзода қўлёзмалари жуда бой. Қарийб тўққиз юзга яқин турли жанр ва турли ҳажмдаги манбалар мавжуд. Шунинг учун қўлёзмалардан фойдаланишда турли мураккабликлар келиб чиқмаслик учун қатор лойиҳалар амалга оширилган. Жумладан, 1985 йилда Шайхзода архивидан мукамал фойдаланиш учун махсус қўлланма – “Мақсуд



Шайхзода архиви”³⁰ китоб-кўрсаткич чоп этилади. Олимлар ва музей мутахас- сисларидан иборат жамоа – профессор Саидбек Ҳасанов, мутахассислар Темур Тўрабоев, Раҳима Шарафут- динова бу ишга бош-қош бўлган. Кўрсаткич Шайхзода архивидан қулай фойдаланишга имкон беради. Бунга кўра барча қўлёзмалар тартибланган, таснифланган, керакли маълумотни осон топиш имконини беради.

Кўрсаткичда адибнинг тўққиз юзга яқин қўлёзма ва ҳужжатлари тафсифланган, яъни тили, ёзуви, жанри, мазмунига қараб эллик беш турган ажратилган. Унда ҳужжатнинг тартиб рақами, сарлавҳа, жанри, қисқа маълумот, ҳужжатнинг ёзуви, улар сони, варақлари алоҳида келтирилган.

Шайхзода қўлёзмалари турли тилда ва ёзувда сақланиб қолган. Уларни қуйидагича ажратиш мумкин:

- а) араб графикаси асосидаги озар ёзуви ва тили;
- б) араб графикаси асосидаги ўзбек ёзуви ва тили;
- с) лотин графикаси асосидаги озар ёзуви ва тили;
- д) лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзуви ва тили;
- е) кирилл графикаси асосидаги ўзбек ёзуви ва тили;
- ф) кирилл графикаси асосидаги рус тили.

Кўриб турганингиздай қўлёзмалар тил ва алифбога кўра олти турга бўлинган ва Шайхзода ўз ижодий ишларини давр тақозаси билан ҳар хил тил ва алифбода ёзишига тўғри келган. Тил қонунлари тез-тез ўзгариб турганлиги ижодкор руҳиятига сезиларли таъсир ўтказган. Шоир улар ичида араб графикаси асосидаги ўзбек ёзуви ва кирилл графикаси асосидаги ўзбек ёзувларидан самарали фойдаланган. У аксар ҳолларда кўнгилдан тошиб келган сер тошқин сатрларни илк саводи чиққан араб алифбосида битган, сўнгра тузатишларни кирилл ва лотин алифболарида амалга оширганлигини кўришимиз мумкин.

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига кўп йиллар раҳбарлик қилган филология фанлари доктори, профессор Саидбек Ҳасанов Мақсуд Шайхзода қўлёзмалари таснифлашга бош-қош бўлади. Тайёрланган китоб-кўрсаткич “Кириш сўз” қисмидаги таснифлаш ва архивлаш қоидалари ҳақида қуйидаги фикрлари ўринлидир: “Одатда, архив ҳужжатларини йиғиш ва уларни сақлашдан мақсад маълум фаннинг равнақига хизмат қилишга қаратилган бўлади. Адабиётшунослик сингари ижтимоий фанлар учун эса архив ҳужжатлари асосий пойдевор вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда архивдан имкони борича мукамал фойдаланиш ишини йўлга қўймоқ лозим. Бунинг учун архив ҳужжатларини шундай тавсифлаш керакки, улар илмий-тадқиқот ишларида тадқиқотчини ўз олдига қўйган мақсадига тезроқ етишини



таъминласин. Шунинг назарда тутиб, Мақсуд Шайхзода архивидаги материаллар аввалига

классификация қилиб чиқилди”

31

Таъкидланганидек ижодкор архивини таснифлаш ишни тўғри олиб бориш учун муҳим. Унга кўра

Шайхзода қўлёзмалари қуйидаги қонуниятга кўра ажратилган:

1. Ҳужжатнинг тартиб рақами. (Шу рақам ҳужжатнинг инвентарь рақамини ҳам кўрсатади. Бу рақам араб

рақамларида берилди ва изчил давом эттирилади).

2. Асарга муаллиф томонидан қўйилган сарлавҳаси. (Масалан: «Ок йўл», «Камтарлик» каби. Бу сарлавҳалар қўштирноқ ичига олинади).

3. Ҳужжатнинг жанри. (Бу сарлавҳа кетидан келтирилди. Масалан: шеър, тақриз, публицистика ва б.).

4. Ҳужжатнинг мазмуни ҳақида маълумот. (Масалан: «Йўл», шеър. Чоржўй-Қўнғирот темир йўли қурилиши муносабати билан ёзилган).

5. Ҳужжатнинг ёзуви: (Масалан: Араб графикаси асосидаги эски ёзувда, ёки ҳозирги ўзбек ёзувида ва х. к.).

6. Ҳужжатнинг ёзилган вақти: (Масалан: 1955 й., 11 октябрь).

7. Ҳужжатлар сони: (Бу масалан: 3 ҳуж. - шаклида берилди).

8. Варақлар сони. (Масалан: 2 в. шаклида берил

Булардан ташқари ҳужжатларни беришда маълум даражада хронологияга амал қилинди. Айрим йили

кўрсатилмаган ҳужжатларни эса мазмунидан келиб чиқиб ўрни-ўрнига қўйилди ва й.й. (йили йўқ)

қисқартмаси киритилди³²

Шайхзода аввало шоир, унинг ижод гултожи ҳам шеърятдир. Шунинг учун қўлёзмаларни рақамлаш ва таснифлашда шеърый асарлар қўлёзмасига алоҳида эътибор қаратилган. Биринчи бўлиб Шайхзода шеърларининг автограф нусхалари туширилганлари берилган. Улар жами 19 та. Африка халқларининг миллий- озодлик курашига хайрихоҳлик шеъри бўлган “Таважжух”³³ билан бошланиб «Аёлларга атаб»³⁴ шеъри билан

30 “М.Шайхзода қўлёзмалари” – Тошкент: ЎзССР ФАнинг Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти. 1985й.

31 “М.Шайхзода қўлёзмалари”. – Тошкент: ЎзССР ФАнинг Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти. 1985 -Б. 4.



32 “М.Шайхзода қўлёзмалари”. – Тошкент: ЎзССР ФАнинг Х. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти.1985 -Б. 4.

33 «Таважжух», шеър. Африка халқларининг миллий-озодлик курашига совет халқларининг хайрихоҳлиги тасвирланган.

1935 йил, октябрь. Лотин ёзувида. 1 ҳуж., 1 в. тартиб рақами – 1.

34 «Аёлларга атаб», шеър. 4-рақамли ҳужжатнинг орқа бетида шу шеърнинг хотин-қизлар байрами куни минбардан ўқилганлигини маълум қилувчи қайд бор. Автограф. Ҳозирги ўзбек ёзувида. Сиеҳда ёзилган. 1 ҳуж., 4 в. Тартиб рақами якунланади. Шеър 4-рақамли35 ҳужжатнинг орқа бетида шу шеърнинг хотин-қизлар байрами куни минбардан ўқилганлигини маълум қилувчи қайд мавжуд. Мақсуд Шайхзода шеърларининг ҳозирги ўзбек ёзувидаги нусхалари архивда 20 дан 38 гача бўлган тартиб рақамга жойлаштирилган. Асосан давр руҳини ифода этувчи шеърлар қўлёзмалари сақланган. «Москвага»36 шеъридан бошланиб, «Май рубойлари»37 шеъри билан бу бўлим тугалланган. Асосан бу қисмдаги манбалар бир ёки икки варақдан иборат бўлиб, нисбатан яхши сақланган.

Мақсуд Шайхзода шеърларининг машинкаланган нусхалари ҳам алоҳида таснифланган. Улар кўплиги билан аҳамиятлидир. «Йиллар ва йўллар» шеърий тўпламига кирган шеърлардан бошланиб38 «Сафардошлар»39 эпиграф-байти билан тугаган. Ҳужжатлар яхши сақланган. Вақтли матбуотда чоп этилган шеърлари ҳам алоҳида таснифланган. Улар ўша пайтда оммабоп бўлган газеталар “Қизил Ўзбекистон”, “Бухоро ҳақиқати”, “Муштум”, “Ўзбекистон маданияти”, “Правда Востока”, “Ёш лелинчи” каби газета ва журналларда босилган шеърлар тўпланган40 Шундан сўнг Шайхзоданинг шеърлар тўплamlари жойлашган. Ҳозирда фондда «Жумҳурият41» шеърлар тўплами сақланади. Китоб лотин тилида чоп этилган. Тартиб рақами – 161. Бундан ташқари «Жанг ва қўшиқ» 42, «Стихи о родной земле»,43 «Шуъла»44 каби шеърий тўплamlар мавжуд. Мақсуд Шайхзода архивда бўлган ўзга муаллиф шеърлари ҳам алоҳидаланган. Бундан ташқари, “Бадий хатлар”45, “Поэма ва балладалари”46 ҳам тафсифлаб ўрганилади. Маълум бўладикки, шеърларнинг ўзи саккиз қисмга ажратилган. Шундан сўнг, Мақсуд Шайхзоданинг кенг қамровли ва бой фалсафий асарлари – драмлари, сценарийлари, таржимлари, илмий ишлари, мақоллари қўлёзмалари ўз сирларини сизга очаверади. Хатлар, кундаликлар, ҳужжатлар ҳам шоир шахсияти ва ички қийноқларини англашга ёрдам беради.

Қўлёзмалар билан танишар эканмиз, унинг нақадар синчи ижодкор ва нуқтадон олин бўлганлигини кўришингиз мумкин. У мумтоз адабиётимизнинг энг ёриқин шахслари Навоий, Бобур ҳақида жуда катта



аҳамиятга эга бўлган илмий ишлар олиб боради. Навоийшунослик бўйича ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Навоий лирикаси бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар бугунги кунда ҳам кўплаб ижодкорлар фойдаланиб келмоқда. Шайхзода Навоийга айрича меҳр қўяди ва уни “Ўзбек шеърятининг улуғ пири” дея муҳаббат кўрсатади. Айниқса, алишер Навоийнинг илмий салоҳияти, закий ижодкор бўлгани Шайхзодани унга янада яқинлаштирган ва “ҳамсуҳбат” қилган: “Алишер Навоий ўз замонасининг энг ориф ва донишманд кишиси бўлганлиги учун албатта бу асарлардан хабардор бўлган ва ўзи ҳам шеърятнинг назарияси, адабиёт, тарих, турк-ўзбек шеърятидаги вазнлар ва айрим шоирларнинг адабий салмоғи билан бевосита шуғулланиб турганки, “Мезонул авзон”, “Мажолисун нафоис”, “Муншоот”, “Муҳокаматул луғатайн” ҳамда “Чордевор”ига кирган иккита “Дебача”си бу фикримизнинг яққол далили бўла олар. Навоий даврида ҳам бу масалалар адабиётчилар эътиборини ўзига тортганига порлоқ мисол қилиб, шоир Сайфи Бухорийнинг ва буюк адиб Абдурахмон Жомийнинг Алишер Навоий илтимосига кўра аруз ва қофия ҳақида рисола ёзганларини кўрсатиш мумкин”⁴⁷. Мақсуд Шайхзоданинг навоийшуносликка оид қўлёзмалари унинг архивида алоҳида ўринга эга. Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий ҳақидаги илмий мақолаларининг ўзи ўзбек ва рус тилида ёзилган ва улар сони йигирмадан ортиқ. Уларда Алишер Навоий 500 йиллик юбилейи муносабати билан

35 Тартиб рақам инвентар рақамини ҳам билдиради.

36 «Москвага», шеър. Москванинг жаҳоншумул шаҳар эканлиги ҳақида. 1947 йил. Ҳозирги ўзбек ёзувида. 1 ҳуж., 1 в.

Тартиб рақами – 20.

37 «Май рубойлари», шеър. Май байрамида шоду-хуррамлик, бахтиёрлик, халқларнинг дўст-тотувлиги, порлоқ истиқболи кўйланган. Ҳозирги ўзбек ёзувида. 4 ҳуж., 1 в. Тартиб рақами – 38.

38 «Йиллар ва йўллар» шеърини тўпламига кирган шеърлар: «Яшар бу дунёда осойишталик», «Лубнон, Лубнон!..»,

«Туркино тепасида булбул сайраркан!» (Николай Гильендан таржима), «Табассуминг бамисли ғазал», «Шоир қалби

дунёни тинглар.», «Ҳакимнин, ҳисоби», «Ёмон» эмас дегани-«яхши» эмас!», «Чой», «Қўшиқ ўрнида», «Сен...», «Икки

ҳолат», «Гуноҳ унинг ўзида» (Усмон Сариваллидан Шайхзода таржимаси) шеърлар. Машинкада. 1944-1960 йиллар.

Ҳозирги ўзбек ёзувида. 12 ҳуж., 24 в. Тартиб рақами – 39.

39 «Сафардошлар», эпиграф-байт. «Йиллар ва йўллар» тўпламининг 1V бўлимига эпиграф қилинган. Машинкада. Й. й.



Ҳозирги ўзбек ёзувида. 1 ҳуж., 1 в. Тартиб рақами—95.

40 Мақсуд Шайхзоданинг вақтли матбуотда чоп этилган шеърлари 96-160 тартиб рақамда жойлашган.

41 «Жумҳурият». Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1935 й.

42 «Жанг ва кўшиқ». Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1943 й.

43 «Стихи о родной земле», ўзбек шоирларини тўплами. Госиздат, Тошкент, 1947 йил. 1 ҳуж., 150 в. Тартиб рақам – 164.

44 «Шуъла», шеър ва эртаклар тўплами. М.Шайхзода тайёрлаган. ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент 1950 йил. Ҳозирги

ўзбек ёзувида. 1 ҳуж., 50 в. Тартиб рақами - 165

45 Тартиб рақам – 170-173.

46 Тартиб рақам – 174-191.

47 “Совет Ўзбекистони” газетаси, 1965 йил, 7 март.

ёзилган48 мақола, «Устоднинг ижодхонасида...»49, «Тирик Алишер»50, мақолалар. «Алишер Навоийнинг шоирлик маҳорати», Шайхзоданинг Навоий лирикасидаги шеърини санъатни тадқиқ қилишга бағишланган мақоласидан парчалар, «Алишер Навоий лирикасининг асосий масалалари», «Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида» каби илмий мақолалар ўрин олган. Бундан ташқари Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий жоди бўйича тўплаган материаллари алоҳида тартиблаган (480-503). Уларда олимнинг Навоий ижоди ва ҳаёти юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бўйича йиғилган материаллар жамланган. Маълумки, Шайхзода «Навоийда лирик қаҳрамон характери ва уни очилиш приёmlари ҳақида» номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва бунинг учун қанча кўп илмий изланишлар олиб борганлигини у йиғган ва бугун архивда сақланаётган матириаллардан кўришимиз мумкин.

Шайхзода Навоийдан ташқари Бобур, Огаҳий, Амирий, Нодирабегим Муқумий, Завқий, Фурқат каби мумтоз шоирлар ижоди билан жиддий ўрганган ва тадқиқотларини доимий равишда эълон қилиб борган. У Бобур ҳақида ёзган ҳар бир мақоласида у шоҳ ва шоир ижодини қай даражада чуқур билишига амин бўласиз: “Бобур Мирзо адиб ва шоир бўлиш жиҳатидан ўзбек адабиёти тарихида мустасно ўрин тутади. Унинг бизга маълум асарлари: 1) “Бобурнома”, 2) Туркистон ва Афғонистонда ёзган йирик шеърлар девони; 4) Маснавий тарзида ёзилган “Музаййин” асари; 5) Убайдулла Хўжанинг “Валидия” номли тасаффуфий асарининг назм билан таржимасидир. Булардан бошқа Бобур вазни ҳақида “Муфассал” номли бир илмий аса ва ўзи ихтиро қилган бир алифбе тузган (“Хатти Бобурий”) бўлса ҳам бу кейингилар, бахтга қарши, ҳозирча топилгани йўқ(мақола ёзилган вақт 1940 йил) ” 51 Шайхзода миллий



адабиётнинг ҳар бир ижодкорини теран англашга ва уни таҳлил қилишга интилни.

Муқимий ҳақида ёзган “Ватан гулзорининг ўтли булбули” мақоласида: “ Навоийнинг мураккаб туйғуларига бой бўлган ишқидан, Бобурнинг шоҳона умидвор севгисидан, Фузулийнинг дарвешона дардидан, Амир Умархоннинг амирона ва ихлоскор муҳаббатидан баҳралар олган Муқимий тўла маъноси билан ошиқ – шоир ва шоир – ошиқ эди”⁵², дейди. Шайхзода ҳам ошиқ эди, адабиётнинг, ҳаётнинг ошиғи. У шунинг учун бу ўлкани севди ва шу севгисини-да бир ватан – бир адабиёт деб билди, унга ўзини сира бегона билмади. Шайхзода қўлёзмалари бизга нафақат ўз сирларини, балки мураккаб ва оғир ўтган XX асрнинг ўрталарининг ўзбек адабий муҳити ҳақида чуқур хулосалар чиқаришга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР

1. “Гулистон” журнали, 1940 йил, 1 сон.
2. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1943 йил, 20 июнь